



Ishonch

Армиямизнинг қудрати – аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустақам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.
— Ислон КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

■ Мардлар қўриқлайди Ватанни



Истиклолнинг илк кўнлариданок Куролли қўчларни тақомиллаштириш, армиямизни замон талабларига жавоб бера оладиган ҳарбий техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самғараси ўлароқ шартномавий, сафарбарлик чакирув резерви сингари хизмат турлари, сержантлар мактаби, янги олий ҳарбий билим юртра пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили эълон қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли қўчларига муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шаронларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳам Куролли қўчларимизни ислох қилишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Ушбу фармоннинг аҳамияти ҳақида гапириб беришни сураб Олтиариқ тумани мудофая ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Умид Хўжамбердиевга мурожаат қилдик.

— Сўнги йилларда Ўзбекистон Куролли Қўчларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. 21-аср армияси аввало замонавий қурол-яроғлардан, ҳарбий техникадан самарали фойдалана оладиган аскарлар армиясига айланди. Хукуматимиз томонидан аскарларнинг ҳарбий тайёргарлигига алоҳида

дан олдин захирага бўшатишган аскарлар ҳам хизматни тўлиқ ўтаган аскарлар сингари ҳарбий гувоҳнома ва намунали хизматига қараб тавсиянома олишади. Тавсияномаларга эга бўлган фуқаролар олий ўқув юртрагига киришда, иш билан таъминланишда имтиёзга эга бўладилар.

билим юртрагида тахсил олаётган ёшларимиз сони ортиб бормоқда. Биргина ўтган йили кузги чакирқда туманимиздан 100 дан ортиқ фуқаро муддатли ҳарбий хизматга юборилди. Бир неча аскарларимиз Мудофая вазирининг ташаккурномасини олди. Утган йили хизматдан қайтган фуқароларнинг 80 фоизи тавсиянома ва командирларнинг ташаккурномасига эришди. Улар келажакда ўз йўлини толиб кетиши учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқиндан ҳамкорлик қилинади. Фуқаролар орасида сафарбарлик чакируви резерви сафарларида хизмат қилиш истагини билдираётганлар ҳам талайгина. Бунга асосий сабаб, хизматнинг бу турини ўтаб келаётганлар орасида фаолиятини ҳарбий соҳада давом эттираётганларнинг кўплигидир.

Ватан ҳимояси ишончли қўчларда

эътибор қаратилаяпти. Йигитларимизни муддатли ҳарбий хизматга танлаб олишда жисмоний ва ақлий салоҳиятига, соғлиғи ва психологик кўрсаткичларига қатъий талаблар қўйилди. Ҳарбий қисмлар энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланди. Ўзбек аскарининг миллий формаси, унинг ахлоқий ва маънавий қиёфаси, хуллас, «ўзбек аскари» образи яратилди. Аҳоли ўртасида ҳарбий хизматга муносабат тубдан ўзгарди. Олий бош қўмондоннинг юқорида айтилган фармони мувофиқ 2009 йилдан Куролли қўчлар сафига фуқаролар йилига бир марта — феврал-март ойларида чакирилади. Белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбийлар захирага март-апрел ойларида бўшатилади. 2009 йил март-апрел ойларида истисно тариқасида 2008 йил кузда хизматга чакирилган аскарлар ҳам захирага бўшатилади. Бу эса ўз навбатида совет армиясида анъана бўлиб келган «дедовшина» ва ҳарбий билмларни ўрганишдаги тартибсизликларнинг олдини олади. Ҳарбий қисмларда қурол-яроғлардан фойдаланиш ва тактик фанларни ўрганишнинг, маънавий-маърифий ташвиқотларнинг самарадорлигини оширади.

— 2008 йил кузги чакирқда хизматга келган аскарларнинг муддатдан олдин захирага бўшатилиши уларнинг ҳарбий гувоҳнома ва тавсиянома олишига қай даражада таъсир қилади?

— Истисно тариқасида муддатидан олдин захирага бўшатишган аскарлар ҳам хизматни тўлиқ ўтаган аскарлар сингари ҳарбий гувоҳнома ва намунали хизматига қараб тавсиянома олишади. Тавсияномаларга эга бўлган фуқаролар олий ўқув юртрагига киришда, иш билан таъминланишда имтиёзга эга бўладилар.

— Ёшларни ҳарбий хизматга жалб қилиш алоҳида режа асосида йўлга қўйилган. Улар хизматга юборилганга қадар бир неча синовлардан ўтиши керак. Аввало, уларнинг жисмоний тайёргарлиғи, соғлиғи белгиланган нормадан паст бўлмаслиғи лозим. Психологик ва билим даражалари давлат тест маркази тайёрлаган саволлар ёрдамида синовдан ўтказилади. Барча синовлар бўйича етарли бал тўплай олган фуқароларгина ҳарбий хизматга лойиқ деб топилди, вилоят мудофая ишлари бўлими ихтиёрига топширилади. Уларнинг ҳарбий хизматга қизиқиши жуда баланд. Улардаги бундай иштиёқни кўриб гуруруланиб кетади одам. Мактаб, коллеж ва кишлоқ фуқаролар ййгинларида уруш қатнашчилари, собиқ аскарлар билан учрашувлар уюштириб борилади. Ташвиқот ишлари самараси ўлароқ кейинги йилларда туманимизда ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтаётган, ҳарбий

билим юртрагида тахсил олаётган ёшларимиз сони ортиб бормоқда. Биргина ўтган йили кузги чакирқда туманимиздан 100 дан ортиқ фуқаро муддатли ҳарбий хизматга юборилди. Бир неча аскарларимиз Мудофая вазирининг ташаккурномасини олди. Утган йили хизматдан қайтган фуқароларнинг 80 фоизи тавсиянома ва командирларнинг ташаккурномасига эришди. Улар келажакда ўз йўлини толиб кетиши учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқиндан ҳамкорлик қилинади. Фуқаролар орасида сафарбарлик чакируви резерви сафарларида хизмат қилиш истагини билдираётганлар ҳам талайгина. Бунга асосий сабаб, хизматнинг бу турини ўтаб келаётганлар орасида фаолиятини ҳарбий соҳада давом эттираётганларнинг кўплигидир.

Умид Хўжамбердиевга мурожаат қилдик.

■ Омбудсман фаолияти Туб бурилиш йили

2008 йилдан суд амалиётида ўлим ҳазосини қўллашнинг бекор қилиниши, қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан суларга ўтказилиши ва нихоят «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 80 йиллигига бағишланган дастури тўғрисида»ги Президент фармонининг ижроси инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда туб бурилиш ясади. Яқинда Олий мажлисининг Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этилиши бўйича Комиссиясининг кенгайтирилган ййғилишида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Унда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман С.Рашидова 2008 йил давомидаги фаолияти, «Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришганининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги акти қўллаш тартиблари тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши ва бунда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва минтақавий вакилларнинг иштироки ҳамда «Одам савдосига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

Йил давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга жами 9962 та мурожаат келиб тушган. Шундан 1891 таси назоратга олинган ва уларда келтирилган маълумотлар текширилиб, тегишли давлат органлари ва ташкилотларига сўровномалар жўнатилган. Мурожаатларнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилган, айрим ариза муаллифларига тушунтиришлар берилган. Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар бўйича вилоят ва туман ҳокимиятларига, адлия босқамалари, департаментлари, прокуратура, суд ва шу каби 200 дан зиёд ташкилот ва идораларга назорат билан сўровномалар жўнатилган.

Ййғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиғи, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Умид Хўжамбердиевга мурожаат қилдик.

Умид Хўжамбердиевга мурожаат қилдик.

Умид Хўжамбердиевга мурожаат қилдик.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» анъанавий республика танлови давом этади

Ана шу мақсадда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамкорлигидаги «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови анъанавий тарзда бу йил ҳам давом эттирилади. Барча ижодкорларни унда иштирок этишга чакирамиз ҳамда яна бир бор танлов шартларини эслатиб ўтаимиз.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ
Танловга тақдим этиладиган материалларда қасаба уюшмаларининг инсон манфаатлари йўлида олиб бораётган фаолият йўналишлари, қасаба уюшма ташкилотларининг давр талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, бандлик борасида, шунингдек, ишчи-меҳнатқашларнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ҳодимлар ва уларнинг фарзандларини, талаба-ёшларни соғломлаштириш йўналишида амалга ошираётган ишлари акс этиши лозим.

Шунингдек, Президент фармонлари, ҳукумат қарори ва давлат дастурларини ҳаётга татиқ этиш борасида қасаба уюшмалари олдида турган галдаги вазифалар, бошлангич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, қасаба уюшмалари аъзоларининг жаҳиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омиллари кучайтириш каби долзарб масалалар ёритилиши зарур. Танлов икки йўналишда — профессионал журналистлар ҳамда қасаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратётган қасаба уюшма фаоллари ўртасида ўтказилади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОНДАЛИРИ
Танловга 2009 йилнинг 1 январидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортажлар қабул қилинади. Материаллар босма ҳолда икки қатор оралиғида 4-8 саҳифадан иборат бўлган ҳолда икки нусхада тақдим этилади. Юборилган ижодий ишларда «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловида деб кўрсатилиши шарт. Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

- фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- манзили, телефон;
- паспортга оид маълумотлари.

Материаллар қуйидаги манзилга жўнатилади:
Тошкент шаҳри, 100165, Бухоро кўчаси 24-уй, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти.

ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ
Танлов голиблари учта ўрин бўйича аниқланади. Танловнинг профессионал журналистлар ўртасидаги голиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1-ўрин — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдориди;
- 2 та 2-ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдориди;
- 3 та 3-ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориди.

Қасаба уюшма ташкилотларида фаолият кўрсатиб, қалам тебратётган қасаба уюшмалари фаоллари ўртасидаги голиблар:

- 1-ўрин — энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдориди;
- 2 та 2-ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориди;
- 3 та 3-ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдориди.

Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — 8 декабрда эълон қилинади.

* Танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқилади.

■ «Ishonch»га жавоб берадилар «Маданият масканлари қандай ишляпти?»

2009 йил 10 январ, 4-сон
Мақола вазирлик ва вилоят босқамаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Унда кўрсатилган Нишон туманининг Нишон, Пахтазор, Навруз, Оқолтин, Ширинбод, Самарқанд фуқаролар ййгинларидаги кишлоқ клублари маданият ва спорт ишлари бўлими балансида эмаслиғи маълум бўлди. Ушбу бинолар илгари жамоа ҳўжаликлари тасарруфиди бўлиб, ҳозир тумандаги тугатиш комиссияси ихтиёрида турибди.
Айни кўнларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи томонидан тизимдаги клублар тармоғини тартибга келтириш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида 2009 — 2012-йилларга мўлжалланган ҳукумат дастури ишлаб чиқилмоқда.
Б.САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги
Курортлар бошқармаси
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган «СЕМУРҒ», «ЗАНГИОТА», «ЧОТҚОЛ», «МАТЛУБОТЧИ» (Тошкент маъданли суви), «ХУМСОН» санаторийларига йўлланмалар сотади. Бу сиз учун жуда қулай имконият.
Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз! Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15



А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар



Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги кенг нишонланмоқда. Аянанага кўра, 9 феврал куни Ўзбекистон Миллий боғига олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар тўпланди. Суратларда: тadbirdan лавҳалар.

Эътироф

Китоб ҳайкали ёнида

Жамият тараққийотининг илк босқичлари ҳақида ҳикоя қилувчи Ёзма ёдгорликлар, тош битикларнинг ҳар сўзи қимматли. Жумладан, «Авесто» ҳам Урта Осиё халқларининг қадим маънавияти ҳақида маълумот берувчи энг ноҳид ёдгорликдир.

«Авесто» дастлаб озгаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Унинг ёзма шакли тахминан учинчи асрдан бошлаб яратила бошлаган. Ундаги воқеалик тавсифи вақт нуқтага назардан миллоддан аввалги минг йилликка тўғри келаркан. «Авесто» 21 та китобдан иборатлиги маълум бўлса-да, бизгача унинг

тўртдан бир қисми етиб келган, холос. «Авесто» муайян китоблар шаклига келтирилиб, ҳар бир китоб ўз навбатида болларга бўлинган, уларга шарҳлар ёзилган. Унинг «Вендидат» китобидаги табиат ҳодисалари тавсифи она дийёмизнинг табиатини эслатади. Унда қахратон қиш, тоғларга ёққан қалин қор, чорвани

водийларда, кўраларда сақлаш, яйловлар, баҳорги сув тошқинлари, кўй-кўзилар, суғориш тармоқлари, деҳқончилик тўғрисида ҳикоя қилинади. «Ясна» китобида таърифланган хоам ўсимлиги Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» асарига ҳосиятлари шарҳланган арпани эслатади.

Бугун Ургангдаги мукаддас китоб ҳайкали ёнида туриб, ушбу маконда яшаётганимдан бениҳоя мамнун бўлдим.

Иброҳим ЮСУПОВ,
истеъфодаги майор



Юртимизда касаначиликка катта эътибор қаратилмоқда. Ишбилармон, тadbirkor хотин-қизлар бундай имкониятдан руҳланиб тикувчилик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштачиликка ихтисослашган кичик корхона ташкил этиб, ёшларга хунар ўргатапти. Шундай чевар қизларимиздан бири Ўзбекистон миллий университетини ҳамда Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган олий адабиёт курси 2-босқич тингловчиси Дилафрўз Чориевадир.

Хунардан бахт унар

Унинг бу борадаги ҳаракатлари Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2006» танловининг туман босқичида «Энг яхши хунарманд» йўналишида 1-ўринни эгаллашга, вилоят босқичида эса «Менинг юртим — менинг ифтихорим» йўналишида ғолиб деб топилганига сабаб бўлди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Юртим жамоли» танловинида «Еш хунарманд» йўналишида 1-даражали диплом билан тақдирланди.

«Бадийи адабиёт ва журналистика» йўналишида фаол қатнашди. Шунингдек, «Ташаббус-2007» танловининг вилоят босқичида «Энг ёш тadbirkor» йўналиши ғолиби, 2008 йил «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Китоб туманида ўтказган «Асрлар садоси» республика маданият фестивали ғолиби бўлди. Миллий кадрлар ва хунармандчилигимиз назариясига бағишланган «Кўнгиротларнинг аънанавий амалий санъати» номли илмий рисоласи, «Қалбим сурати» ва «Сарҳад билмас соғинчлар» шеърый тўпламлари нашрдан чиққан. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15

йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланган. Айни кунларда «Ўзимни излаб...» номли шеърый тўпламини нашрга тайёрлади.

— Хунарли одам ҳеч қачон хор бўлмайди, ҳаммиса элга нафи тегади, — дейди Дилафрўз. — Момоларимиз пазанда, чевар бўлишган. Кашта тикиб, гилам тўкиб ҳам оиласини таъминлаган, ҳам жамиятга нафи тегадиган, оқил фарзандлар тарбиялаган. Ниятим, ана шу эзгу ишга ҳисса қўшиладим.

Дилафрўзга улғу мақсададори йўлида зафарлар тайлаيمиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
ЎЗМУ талабаси



Сумкачалар



Қакнус



Такир гилам

Спорт оламинида

Ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмаган Самарқанд вилоят эркин ва юнон-рум курашига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун 2008 йил қандай яқунлади? Янги йилдаги режалар қандай? Ушбу саволлар атрофида вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги спорт мактаблари директорлар кенгашининг раиси Ваҳоб Мухторов билан сўхбатлашдик.

Умидбахш сарҳисоблар

— Утган йили спорт мактаби бошқарма томонидан тўлиқ маблаг билан таъминланди. Спортчилар тақвим режадан ўрин олган Республика ва халқаро мусобақаларида иштирок этди, — таъкидлади В.Мухторов. — Жумладан, FILA тақвимида кирган «Самарқанд кубоги» халқаро турнирида Нурбек Жақулов, Баҳром Муродов, Тоир Раҳматов, Саид Абдуллаев шохсупага кўтарилди. Ваҳоланки, вилоят эркин ва юнон-рум кураши федерацияси ташкил этган маъмур мусобақаларида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Россиядан кучли полвонлар иштирок этганди.



Шунингдек, Андижон шаҳрида ака-ука Мамажоновлар соврини учун ўтган турнирда Носир Хамролиев, Окун Яхшибоев, Саид Абдуллаев ва Шерзод Курбонов ўз вази тоифаларида ғолиб чиқди. Фарғонада Мўмин Фозилов хотирасига бағишланган халқаро турнирда эса эркин курашчилар Уткир Ҳасанов, Сардор Иброҳимов, Фахриддин Мансуров муваффақиятли иштирок этди.

Бугунги кунда юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасида мактаб ўқувчилари кўпчилиги ташкил этилди. 2008 йил июл ойида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Нурбек Жақулов ҳамда Саид Абдуллаев олтин медалга эришди. Эркин кураши Евгений Генералов кўксини эса бронза медалга беади. 10-14 октябрда Омск шаҳрида афсонавий полвон Александр Карелин соврини учун ўтган халқаро турнирда ҳам юқори ўринлар эгалланди.

Курашчиларимиз 2009 йилни омадли бошлашди. Январ ойида Зарафшон шаҳрида 1994-96 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасидаги эркин кураш бўйича Республика турнирида Улғубек Ҳожиёв, Рашид Рашидов, Умид Хамроқулов, Нодир Жаъфаров, Шерзод Фуломов, Уткир Ҳасанов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, яна уч нафар ўқувчи совриндор бўлди. Шу кунларда курашчиларимиз Украина

ташкilotчилик қилаётган Александр Колченский хотира турнирига ҳамда маълум бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Нурбек Жақулов ҳамда Саид Абдуллаев олтин медалга эришди. Эркин кураши Евгений Генералов кўксини эса бронза медалга беади. 10-14 октябрда Омск шаҳрида афсонавий полвон Александр Карелин соврини учун ўтган халқаро турнирда ҳам юқори ўринлар эгалланди.

— Галабаларга ҳисса қўшаётган мураббийларга ҳам тўхталсангиз... — Мактаб директори Ҳаким Накибов, илмий бўлим мудири Олим Бағиров, мураббийлар Фулом Самадов, Анвар Сатторов, Фаррух Усмонов, Аҳор Азизов ёшлар билан ишлашда самарали меҳнат қилмоқда. Спортдаги муваффақиятлар туфайли вилоятда болалар ўртасида эркин ва юнон-рум курашига қизиқиш кескин равишда ўсган. Шунинг учун эркин ва юнон-рум курашига ихтисослашган ушбу мактабда мураббийлар сонини янада кўпайтиришга аҳтиёж сезилмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳридаги 29-мактаб спорт залида ҳам машғулотларни йўлга қўйдик. У ерда ҳозир олти гурӯҳда 90 нафар ёш курашчи машғулотларда қатнашапти.

Акжал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Тодшоҳ аёнларидан бирининг аёли гўзаллик ва нафосатда бекиёслиги ҳақида кўп эшитган экан. Шохнинг аёлга ҳаваси кучайиб, вазирига у билан хилватда учрашиш чорасини топишни буюрибди.

Орадан бир ҳафта ўтган, подшоҳ вазир маслаҳатига кўра, гўзал аёлнинг эрини чақириб, савдо қарвони тайёрлиги, эртага қарвонбоши бўлиб йўлга чиқишини айтибди. Эр топширини қабул қилиб, уйдагилар билан хайрлашиб йўлга отланибди.

Қарвон кетган, подшоҳ аёлни саройга чақириб, қабулхонада унга бир шода калит бериб, бирма-бир хонага етаклаб кириб, эшикни қулфлашни буюрибди. Шу тариқа ул ар қирқинчи хонага етишибди. Хона гўзал ва ноз-неъматга тўла, ҳавоси тоза ҳамда мўътадил экан.

Шоҳ аёлга қараб:

— Мана, барча эшикларни ўз қўлингиз билан қулфлаб, менинг энг яхши

учун Аскар деб исм қўйишди. Уруш туғашига ҳам озгина вақт қолди. Аммо Ҳанифа аяга «эрингиз бедарак йўқолди» деган мазмунда хат келди. Шўрлик аёл бу мактубни қўлига олди-ю тинчи бузилди, ўзини қўйгани жой топмади. Кечалари худого ёлвориб, эрининг соғ-саломат уйга қайтишини, боласига ўзи оталик қилишини сўради.

Нихоят, ҳаммаёқни алғов-далғов қилган уруш ҳам туғди. Ая эшик тиқ этса «Эрим келдимикан?» дея сакраб ўрнидан турарди. Қишлоқдаги йигитлар урушдан қайтди. Фақат унинг турмуш ўртоғидан ҳамон дарак йўқ эди.

Ая энди бор аламини меҳнатдан олди. Уни жамоа раиси эччиллиги, қатъийлиги, ишбилармонлиги учун бригадир этиб тайинлади.

Ҳанифа ая энди от миниб далаларни айланар, барқ уриб ўсаётган гўзаларни қўриб кўнгли ёришарди. Шу орада аяга ҳавас қилган қишлоқ эркакла-

Аёл ўзгаллиги кўнглидир



кўрган хонамга келдингиз, — дебди.

— Тўғри, шохим. Лекин бир эшик очик қолди.

— Қайси эшик экан?

— У менинг ор-номусим, хотинлик шайним ва виждоним эшиги. Садоқат эшиги у. Афсус, унинг қулфи йўқ, шохим, — дебди аёл.

— Қулфи йўқ эшикни беркитишга на ҳожат?

— Шу ҳожат мени сизнинг қаршингизга келтириб, эшикларни қулфлашга ва ўлим билан тенг нарсга устида тadbир тузишга олиб келди.

Бу гапларни эшитган шох аёлдан калитларни олиб, эшикларни очибди ва эшқоқига таян бериб, унга тўрт тўла совға-салом ҳадя қилибди. Аёл бу совғаларни қабул қила олмаслигини айтган, подшоҳ сабабини сўрабди.

— Шохим! Сабаби, орамиздаги гап совға туфайли эримга етиб, унда гумон туғилишидан, сизнинг шайнингизга гард юқишидан, бунинг натижасида ҳалол никоҳга пур етиб, оилам барбод бўлишидан сақланишидир, — дея жавоб берибди у.

— Ақлингизга офарин! Совға икки баробар қилинсин! — дебди шох.

— Энг мақбули, эрим саёҳатдан келгач, туяларни унга ҳалол хизмати учун совға қилинг. Бошқаларда сизга ҳалолроқ хизмат қилиш учун рағбат пайдо бўлади, — дебди аёл. У ана шу муроҳазаси билан тугган иши туфайли ор-номусини сақлаб, эрининг обрўсини оширибди.

ри унга уйланоқчи бўлиши. Лекин ая унамади. «Эрим тирик. Кўнглим сезаяпти. Эртага дарвозадан кириб келса, сизлар ким деган одам бўласизлар? Уялмайсизларми шундай дегани?», — дея хафа бўлди.

Шундан сўнг унга етишолмаганлар аяннинг шайнига тегадиган гаплар қилиб, ёмонотлиққа чиқаришди. Қишлоқда ҳар хил гап-сўзлар тарқатишди. Ҳатто, мурғак фарзандига ҳам олайиб қарашди. Гоҳида ая сиқилиб кетганида ўғлига кўрсатмасдан худодан сабр сўраб аччиқ-аччиқ кўз ёши ҳам тўқарди.

Аскар худди отасидек мард, танти, бир сўзли бўлиб воёга етди. Улғайган, онасининг қўлидан юмушини олди. Ая ҳамон умр йўлдошини кутарди. Ўғлининг қулоғига ҳам «Отанг тирик. Бир куни албатта келади. Сен отангга ўхшаган бўлишинг керак», — деб қурди.

Ая ёлғизгина боласини уйлантирди. Уша куни ҳам дарвоза олдида бир неча марта бориб келди. Гўё хаёлида эри «мана мен келдим» дея эшикдан кириб келадигандек туюлаверди.

Вақт ўтган ая набиралар қуршовида қолди. Уларга эрининг жасоратлари ҳақида тўлқинланиб гапириб беради. Небаралар эса бобосининг довораклигидан фахрланиб юришарди.

Ҳанифа ая кексайиб қолди. Аммо эрининг суратига тикилганча уни кутди. Хафта бўлиб тўшақда ётганида ҳам унга интизор бўлди.

Яқинда қишлоққа бордим. Ая вафот этганини эшитиб, униқига бордик. Аяни эслаб йиллаган ҳам йилгади, йилламаган ҳам. Ая қийинчилик онлариди, ёлғизликдан қийналганида, бева аёл дея эркаклар гап отганида ҳам ор-номусини сақлай олди. Садоқат, сарб-тоқат билан эрининг йўлларига кўз тутди.

Унинг кўнгли тоза эди. Шунинг учун бошқаларга ҳам ўзига ишонгандек ишонарди. У кишлоғимизнинг садоқат тил-соллага айланганди.

Аёлнинг гўзаллиги кўнглидадир. Кўнгли тоза бўлса, эркак ҳар қандай вазиятда ҳам унга ишонади.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

ҚИШЛОҚ-ХҲЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХҲЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъуляти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг ВА3-21041 ва ИЖ-27175 ҳамда ВА3-2107 автомобилларини нақд пулга ва пул ўтказиши йўли билан сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

ВА3-21041

ИЖ-27175

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20. Факс: (8-371) 276-97-40

ВА3-2107

Стадионга мархабо!

2010 йилги Жаҳон чемпионати 4-саралаш босқичи иштирокчиси Баҳрайн терма жамоаси делегацияси 8 февралдан 9 февралга ўтар кечаси пойтахтимизга етиб келди. Жиддий ўйинга БААда тайёргарлик кўрган Милан Мачала шоғирдлари сўнгги ўйинни Жанубий Корея терма жамоаси билан ўтказиб, дуранг қайд этишга эришди — 2:2. Ўзбекистон ҳамда Баҳрайн терма жамоалари ўртасидаги ўйин 11 феврал куни «Пахтакор» марказий стадионида соат 16:00 да бошланади ва унда малайзиялик Моҳд Субҳиддин Солиҳ бош ҳакам сифатида ҳаракат қилади. Қанотларда унга Му Юн Хин (Хитой) ва Борикут Тханум (Таиланд) кўмаклашади. Захирадаги ҳакам эса Эрондан — Хидоят Момбени. Учрашув комиссари Ким Жу Санг (Жанубий Корея) ҳамда назоратчи Тарик Ахмад Али (Ироқ).

Ўйинни бевосита стадиондан томоша қилиш истагида бўлганлар чипталарни «Пахтакор» марказий стадиони кассаларидан харид қилишлари мумкин. Чипта баҳосини ҳам айтиб қўя қолайлик: марказий секторлардаги жой учун 3500, қолган ўринларга 2500 сўм.

ИШОНЧА НАФ КЕЛТИРИШ
O.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ ВАҚТ

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhiih:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdullajilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatda olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin nasxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari
Bosishga topshiriш вақти - 21.00. Topshiriшди - 22.00
Буюртма Г — 114
20559 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
2 5 6